# ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ область Совети ижроия комитети таъкидлайдики, шаҳар ва район Советлари ижроия комитетлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, область бўлимлари ва бошқармалари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан чайқовчилик қилиш ва меҳнатсиз даромадга қарши курашни кучайтириш юзасидан маълум ишларни амалга оширмоқдалар.

Шу йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида ички ишлар органлари ходимлари жамоатчилик, халқ дружиначилари ва маҳаллий Советларнинг депутатлари иштирокида 576 та рейд ўтказдилар ва шу текширувлар давомида 1150 та автомашина ушланди. 1956 тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотлари республикадан ташқарига олиб чиқиб кетилаётган пайтда қайтариб қолинди. 1937 кишининг ижтимоий фойдали меҳнатдан бўйин товлаб юрганлиги аниқланди. Умуман меҳнатсиз йўл билан топилган 731 минг сўм қайтариб олинди.

Шу билан бирга ижроия комитетлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, область ижроия комитети бўлимлари ва бошқармаларининг чайқовчилик ва текинхўрликнинг олдини олиш, жамиятга ёд бўлган бошқа иллатларни фош этиш соҳасидаги ишларида жиддий камчиликлар бор. Айрим Советлар салбий иллатларни фош этишга қаратилган ташкилотчилик ва тарбиявий ишларни яхши йўлга қўймаганлар, чайқовчиликни бартараф этишда меҳнат коллективларининг актив иштирокини таъминламаяптилар.

Айрим бўлим ва бошқармаларнинг, айниқса ички ишлар органларининг раҳбарлари текин даромад орттириш мақсадида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини республика ташқарисига олиб чиқиш, давлат транспортидан шахсий манфаати йўлида фойдаланиш билан шуғулланаётган, ижтимоий фойдали меҳнатдан бўйин товлаётган кишиларга нисбатан муросасозлик қилиб келмоқдалар. Тошкент, Чиноз, Оҳангарон, Коммунистик районларида яшовчи бир неча кишининг РСФСР шаҳарларида қўлга тушганлиги ана шундай келишувчиликнинг оқибатидир.

Бироқ шунга қарамай ички ишлар органлари, халқ судлари ва молия органлари меҳнатсиз бойлик орттираётганларга, ташмачиларга, талон-торожчиларга қарши курашда ўзларига қонун йўли билан бериб қўйилган ҳуқуқларидан тўла фойдаланмаяптилар. Бу соҳада кўрилаётган чора-тадбирларнинг ошкоралигини таъминламаяптилар. Жиноий ишлар юзасидан тергов материаллари айбланувчиларнинг ишхоналари ва турар-жойларига деярли юборилмайди.

Халқ депутатлари область Совети ижроия комитети шаҳар ва район Советлари ижроия комитетларининг, область ички ишлар бошқармаси, юстиция бўлими, область суди савдо, колхоз бозорлари, маиший хизмат, статистика, маҳаллий саноат бошқармалари, гўшт ва сут саноати бирлашмалари, область матлубот жамияти правлениеси, пассажирлар ва юк ташиш область автотрестлари, область молия бўлимининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан чайқовчилик қилиш ва меҳнатсиз даромад орттиришнинг олдини олиш соҳасидаги ишларини жуда қониқарсиз, деб топди.

Шаҳар ва район Советлари ижроия комитетлари, область агросаноат комитети, область бошқармалари ва бўлимлари, халқ контроли комитети, юстиция бўлими, область суди ва ички ишлар бошқармасига социалистик мулкни ўғирловчиларга порахўрларга, чайқовчиларга шунингдек, меҳнатсиз даромадга йўл очиб берувчи бошқа жиноий ҳаракатларга қарши курашни кучайтириш, айниқса, шу жиноятларнинг келиб чиқишига сабаб бўлаётган иллатларни чуқур ўрганиш ва уларни бартараф этишга асосий эътиборни қаратиш вазифаси топширилди.

Область пассажирлар ва юк ташиш автотрестлари зиммасига белгиланган маршрутларга қатъий амал қилинишини таъминлаш ва ҳар қандай тартиббузарликка қарши жиддий чоралар кўриш вазифаси юклатилди.



● УЛУҒ Октябрь байрамининг 70 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан бошланган мусобақада Тошкентдаги чарм-галантерея ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси Мавжуда Турсунхўжаева ҳам актив иштирок этмоқда. У смена топшириқларини мунтазам ортиғи билан бажариб, ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда.

Х. Мирзакаримов фотоси.

## Давлат қабулига тайёргарлик қандай бормоқда

**«КОМПРЕССОР» заводи республикамиз пойтахтидаги етакчи корхоналардан бири ҳисобланади. Унинг коллективи қўлидан чиқаётган турли маркадаги машиналар ўзининг пухта-пишиқлиги, сифати дурустлиги билан ажралиб туради, халқ хўжалигининг турли тармоқларида кенг қўлланилмоқда Корхонанинг чет эллик мижозлари ҳам кўпайиб бораяпти. Шуни айтиш кифояки, компрессорлар жаҳоннинг 34 мамлакатига етказиб берилмоқда. Жами маҳсулот ҳажмида давлат Сифат белгисига сазовор бўлган машиналар йилдан-йилга ортмоқда.**

**Завод давлат қабулини жорий этувчи республикамиздаги 33 корхона қаторидан ўрин олганлиги ҳам бежиз эмас. Бу коллективнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари нисбатан яхшилигидан далолат беради. Шу кунларда давлат қабулини қўлланишга қизғин тайёргарлик бормоқда. Давлат стандарти вакиллари ишлай бошлаганига бир ой бўлиб қолди. Шу муносабат билан мухбиримиз М. Мирҳамидов завод бош инженери вазифасини бажарувчи Юрий Янкелович СКАТКОВ билан суҳбатлашди.**

# ЭНГ ЯХШИ НАМУНАЛАР ДАРАЖАСИГА ЕТКАЗАМИЗ

**— Коллектив ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг сифати ҳақида гапириб берсангиз?**

— КПСС XXVII съезди қарорларида маҳсулот сифатини ошириш энг муҳим социал-иқтисодий вазифалардан бири эканлиги яна бир бор таъкидлаб ўтилди. Шуни ҳисобга олиб коллективимиз ўз фаолиятининг шу кўрсаткичини яхшилаш йўлида тинмай изланиш олиб бормоқда. Шу мақсадда ташкилий-техникавий тадбирлар амалга оширилапти, ишчи-хизматчиларнинг малакасини оширишга, сифатли маҳсулот ишлаб чиқарганлиги учун рағбатлантиришни такомиллаштиришга ва бошқа шу каби омиллар таъсирини кучайтиришга қаратилган кўплаб чоралар кўрилди. Бу соҳада қилинган ишларнинг ҳаммасига тўхталиб ўтишнинг ҳожати бўлмаса керак. Лекин уларнинг натижаси яхши бўлаётганлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз, Шу туфайли ҳозирги вақтда жами маҳсулотнинг 84,5 проценти Давлат сифат белгиси билан буюртмачиларга етказиб берилмоқда.

Маълумки, корхонамизда яқинда ишлаб чиқарилиши ўзлаштирилган ҳавони қуруқ қисиб берувчи роторли компрессор машинасозликнинг бу соҳасида янгилик ҳисобланади. Унинг жуда кўп афзалликлари бор. Ҳатто бу агрегатдан ун-ёрма, фармацевтика ва бошқа шу каби «нозик» саноат соҳаларида ҳам фойдаланиш мумкин.

Коллективимиз бу компрессорни мамлакатда биринчи бўлиб ишлаб чиқаришга киришди. У жаҳон бозорида ҳам машҳур. Қатор етакчи капиталистик мамлакатлар шундай машиналарни ишлаб чиқариш учун мамлакатимизда патент сотиб олганлар. Шубҳасиз, бу маҳсулот давримизнинг юксак техника талабларига жавоб беради. Давлат комиссияси уни юксак баҳолади. Биз бу агрегатни ҳам Давлат сифат белгиси олиши учун аттестациядан ўтказамиз. Унда сифатли маҳсулот ҳажми янада ортади.

**— Маҳсулот сифати дуруст бўлгач, у давлат қабулига ўтишда айтарлик қийинчиликлар вужудга келтирмаслиги ҳам мумкинми?**

— Бундай дейишга ҳеч қандай асосимиз йўқ. Давлат қабулининг талаблари жуда қаттиқ. Бу ишлаб чиқаришнинг барча жабҳаларида сифатга ниҳоят даражада катта эътибор беришни тақозо этади. Бунга эришишнинг ўзи бўлмайди, албатта.

Шу нарса сир эмаски, илгари компрессор учун ишлатиладиган айрим «майда-чуйда» деталларнинг сифатига етарли эътибор берилмасди. Шунинг учун бундай маҳсулот ишлаб чиқарувчилар масъулиятни тўла ҳис қилмас эдилар. Эндиликда бунга асло йўл қўйиб бўлмайди. Ҳар бир операция технология режимига қатъий амал қилинган ҳолда бажарилиши, ҳар бир деталь давлат стандарти талабларига тўла жавоб бериши керак. Айни вақтда ишчи-хизматчиларнинг психологиясини ҳам қайта қуриш талаб этилади.

Шунинг учун ҳам кенг кўламда ташкилий-техникавий, оммавий-сиёсий, тарбиявий-тушунтириш ишлари олиб боришга тўғри келди. Корхонамизда бу ишга август ойидан киришган эдик. Ишчи-хизматчилар ўртасида давлат қабулининг аҳамияти, моҳияти ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилди. Сиёсий ахборотчилар, агитаторлар ва пропагандистлар бу ишда қатнашдилар. Айни вақтда конструкторлик-технологик жараёнлар тўла тафтиш қилинди, улар билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар атрофлича кўздан кечирилди. Ўлчов асбоблари, оснасткалар синчиклаб текширишдан ўтказилди. Уларнинг аниқлиги яна бир бор синаб кўрилди.

Завод бўйича бош мутахассислар раҳбарлигида 12 та сифат группаси ташкил этилди. Ҳаммаси бўлиб бу группага 86 киши жалб этилди. Улар ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларини ҳар куни синчиклаб назоратдан ўтказмоқдалар. Давлат қабулига тайёргарлик билан боғлиқ бўлган ишларнинг бориши ҳар куни муҳокама қилинмоқда. Юзага келган қийинчиликларни, аниқланган нуқсонларни бартараф этишга қаратилган тадбирлар кўрилмоқда.

Бу муҳим ишда барча ишчи-хизматчиларнинг қатнашишига эришишга ҳам алоҳида эътибор бермоқдамиз. Чунки маҳсулот сифатли бўлиши ҳар бир иш ўрнида меҳнатнинг ташкил этилиши, ишчининг малакасига боғлиқ. Ишчи у токарь, слесарь ёки силлиқловчи ва яна қандайдир бошқа касб эгаси бўлишдан қатъий назар ўз вазифасини виждонан, сидқидилдан бажарса, пировард натижада машина сифати ҳам кўнгилдагидек бўлади.

Умуман, давлат қабулига ўтишга тайёргарлик юзасидан олиб борилган ишлар жуда кўп масалаларни ҳал қилиш имконини берди. Ҳозирги вақтдаёқ аксарият деталлар ва узеллар биринчи тақдимдаёқ қабул қилинмоқда. Бу ишчи-хизматчиларнинг ўз вазифасига нисбатан муносабатида кескин ижобий силжиш бўлганлигидан далолат беради.

**— Маҳсулот сифати, айтиш мумкинки, етказиб берилаётган материаллар ва хом ашёга боғлиқ. Улар қанчалик сифатли бўлса иш шунчалик енгил кўчади. Бу соҳада компрессор заводи жуда кўп корхоналар билан ҳамкорлик қилади. Давлат қабулини муваффақиятли жорий этиш ўша муносабатларда қандай ўзгаришларни вужудга келтиради? Шу ҳақда, унинг муаммолари тўғрисида гапириб берсангиз?**

— Бу жуда долзарб масала. Компрессорларни тайёрлаш учун атрофдан 3 минг турдан ортиқ комплектлаштирувчи деталлар ва узеллар оламиз. Уларни бизга 300 га яқин корхона етказиб беради. Уларнинг биронтасида ҳам давлат қабули жорий қилинмаслиги маълум бўлди. Бу, албатта, биз учун қўшимча қийинчиликлар вужудга келтиради. Ҳозирги вақтда ҳам етказиб берилаётган комплектлаштирувчи буюмларнинг стандарт даражасида эмаслигидан зарар кўряпмиз. Аниқ ҳисобларга қараганда шундай буюмларнинг 60 проценти талаб даражасида бўлмаяпти. Биз уларни қайта ишлаш учун қўшимча ишчи кучи ва маблағ сарфлашга мажбур бўлмоқдамиз. Бу ортиқча ҳаражатларга сабаб бўлаяпти. Бизнинг шу корхоналар раҳбарларига бир неча бор қилган мурожаатларимиз деярли инобатга олинмаяпти.

Давлат қабули шароитида ишлаш ана шундай ўзи бўларчилик кайфиятига чек қўйишни тақозо этади. Ўйлаймизки, бизга комплектлаштирувчи буюмлар етказиб берувчи меҳнат коллективлари ҳозирги талабларни ҳисобга оладилар ва буюмлар сифатини нисбатан яхшилайдилар. Бизнинг бирдан-бир илтимосимиз ҳам шу.

Чунки янги шароитларда шундоқ ҳам айрим меҳнат кўрсаткичларимиз нисбатан пасайди. Меҳнат унумдорлигини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Ҳар бир деталь сифатли бўлиши учун қатъий кураш бораётган ҳозирги вақтда унда арзимаган нуқсонларга ҳам йўл қўйиш мумкин эмас. Ниҳоятда синчковлик ва сезгирлиқ билан ишлаш лозим. Шу сабабли ҳам ҳар бир вақт бирлигида тайёрланаётган деталлар миқдори бироз камайди. Бу меҳнат унумдорлигининг сусайишига олиб келмоқда. Демак, ишчи-хизматчилар ҳам нисбатан кам ҳақ олмоқдалар. Бироқ бу узоққа бормайди. Чунки ҳозирги вақтда сифатли маҳсулот ишлаб чиқарганлиги учун мукофотлашнинг янги Низоми ишлаб чиқилмоқда. У шу йилнинг 1 декабридан жорий қилинади. Бунда маҳсулот сифатига қараб рағбатлантиришга алоҳида эътибор берилган. У миқдор кетидан қувишдан кўра сифатга кўпроқ диққатни жалб этишга олиб келади.

**— Давлат қабулини муваффақиятли жорий этиш ва қўлланиш учун яна қандай масалалар ҳал қилиниши лозим?**

— Бундай масалалар анчагина. Аввало метрология яъни ўлчаш воситаларига назар ташлайлик. Бу воситаларнинг эскириб қолганлиги ҳаммага маълум. У ҳозирги вақтда жуда зарур. Ҳар бир деталнинг аниқлиги ниҳоятда юксак бўлиши керак. Унда микронларнинг ўндан, юздан бир бўлаги даражасида ҳам ноаниқликка йўл қўймаслик лозим. Бунинг учун эса махсус ўлчов асбоблари керак. Ваҳоланки улар йўқ. Бунинг оқибатида ҳатто машиналарнинг айрим параметрларини ҳам аниқ ўлчай олмаяпмиз. Мамлакатимизда ана шундай метрологик воситалар ишлаб чиқаришни кўпайтириш вақти келди.

Яна бир масала ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Заводимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот йил сайин такомиллашмоқда, техник-иқтисодий даражаси ортяпти. Лекин реконструкция ишлари, замонавий асбоб-ускуналарни қўлланиш жуда суст бормоқда. Шуни айтиш кифояки, ҳозирги вақтда станоклар орасида бундан йигирма йил илгари ишлаб чиқарилганлари ҳам бор. Уларни фойдаланишдан бошқа чорамиз йўқ. Алмаштириш учун янги агрегатлар етишмаяпти.

Сўнгги йилларда бир қанча рақамли программ бошқариладиган станокларни жорий этдик. Ўтган уч ойда шундай агрегатлардан 4 таси ўрнатилди. Шундай қилиб, уларнинг жами сони 7 тага етди. Лекин бу жуда кам. Биз шундай замонавий станоклардан унумли фойдаланиш мақсадида уларни икки сменада ишлатаяпмиз. Ҳозирда ҳатто уч сменада фойдаланишни мўлжаллаб турибмиз. Бироқ шундай қилинганда ҳам эҳтиёжимиз тўла қонмайди.

Биз келгуси йилда шундай агрегатлардан камида 11 та жорий қилишни назарда тутган эдик. Лекин бу мақсадга ҳам эришолмас эканмиз. Чунки келгуси йилда бизга бор-йўғи 2 та станок ажратишмоқчи. Уларни ҳам қачон етказиб беришлари аниқ эмас. Ваҳоланки бундай станоклар маҳсулот сифатининг барқарорлигини ва меҳнат унумдорлигининг юксаклигини таъминларди.

Заводимизни реконструкция қилиш давомида бўяш корпусининг бир қисми ишга туширилди. Лекин у етарли эмас. Шунинг учун ҳам яна бир бўяш участкасини ишга тушириш назарда тутилган эди. Бироқ у асоссиз равишда тўхтатиб қўйилди. Министрлик раҳбарлари бунга ҳожат йўқ деб ўйлашди шекилли. Аслида эса биз бунга жуда муҳтожмиз. Агар у қурилса бўяш ишлаб чиқаришининг қуввати икки баравар ошар ва корхонамиз эҳтиёжини тўла таъминларди. Зероки, ҳозирги вақтда тайёр агрегатларни бўяшдаги нуқсонлар тўла барҳам топганича йўқ. Давлат стандарти вакиллари ана шундай камчилиги бўлган компрессорларни қабул қилишмаяпти. Уларни қайтадан бўяшни тавсия этмоқдалар. Иш манфаатларини ҳисобга олиб бўяш корпусини тўла қувват билан тезроқ ишга туширилишини таъминлаш лозим. Ўйлаймизки, Иттифоқ министрлиги бу масалага яна бир бор қайтади ва уни ижобий ҳал қилади.

## БЕШ ЙИЛЛИК ЗАРБДОРЛАРИ



● ЮРИЙ Байков ўн беш йилдан бери «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмасида фидокорона ишлаб келмоқда. Бешинчи разрядли токар ўн биринчи беш йилликда эришган муваффақиятлари учун III даражали Меҳнат шуҳрати орденига сазовор бўлди.



● Тошкентдаги бош кийимлар фабрикаси ишчиси Муътабар Икромовани кўпчилик яхши танийди, уни меҳрибон мураббий сифатида ҳурмат қилишади. Область мукофоти лауреати М. Икромова шу кунгача ўн бешга яқин шогирд тайёрлади.

М. Нуриддинов фотолари.

## Партия ташкилотларидан хатлар

### НОМЗОДЛИККА МУНОСИБ

Колхоз партия комитетининг навбатдаги мажлисида партия аъзолигига кандидатлардан механизатор Исмоил Мамедов билан сут соғувчи Мўътабар Ханаеванинг ҳисоботлари тингланди. Уларнинг ҳар иккалови ҳам партия аъзолигига муносиб номзодлар. Исмоил 9-бригаданинг илғор механизатори. Бу йил ўз агрегати билан 143 тонна пахта териб берди.

Техникага у ўқувчилик давридаёқ ҳавас қўйган эди. Мактабни тамомлаб, механизаторлар тайёрлаш курсига кирди. Кейин пахтакорлар сафига қўшилди. Уни бригада аъзолари яхши билишарди. Шу боисдан ҳам Исмоил тезда одамлар билан тил топишиб кетди.

Бир куни у колхоз партия комитетига ариза кўтариб келди. Аризада «Коммунистик қурилиш вазифаларини бажариш учун курашда олдинги сафларда бориш, қайта қуриш ва жадаллаштириш ишида коммунист сифатида иштирок этиш» истаги билдирилган эди.

— Ниятингиз яхши, — деди колхоз партия комитетининг секретари аризага кўз югуртириб.—Лекин биз ариза берган кишиларнинг ҳаммасини ҳам партияга қабул қилавермаймиз, партияга танлаб оламиз. Олдин топшириқ бериб, ҳар томонлама синаймиз, юриш-туришингизни текширамиз, меҳнатда ва жамоат ишларида қандай иштирок этаётганлигингиз билан танишамиз. Талабларимизга тўла жавоб берсангиз кейин коммунистлар муҳокамасига қўямиз.

Исмоил чўчимади. Чунки у ўз касбини пухта билар, комсомол аъзоси сифатида кўпгина топшириқларни бажариб, синалган эди. Пахта терими олдидан ўтказилган район механизаторлари конкурсида иштирок этди. Маҳоратини ишга солиб, биринчи ўринни олди. Бундан устозлари ҳам, бригаданинг бошқа аъзолари ҳам хурсанд бўлишди. Ўша кезларда бўлиб ўтган партия йиғилишида Исмоил Мамедов бир овоздан партия аъзолигига кандидатликка қабул қилинди.

— Мен Исмоилга ишонаман, — деди тажрибали коммунистлардан Ш. Ғофуров. — Унга партияга кириш учун рекомендациялардан бирини мен берганман. Ишончимни оқлаяпти. Энди пахта йиғим-теримида яна ҳам актив бўлишини истайман.

Шогирд устозлар айтганидек қилди. Терим даврида агрегатини бир дақиқа ҳам бўш қўймади. Планда белгиланганидан 43 тонна кўп пахта териб берди. Исмоил партком мажлисида шунга ўхшаш ўзи бажараётган ишлар тўғрисида батафсил сўзлаб берди.

Партком аъзолари Мўътабар Ханаеванинг сўзларини ҳам диққат билан тинглашди. У ўз боқимидаги 20 бош соғин сигирнинг ҳар биридан кунига 8—10 килограммдан сут соғиб олаяпти. Айни пайтда жамоат ишларида ҳам актив иштирок этаяпти, Комсомол прожектори штаби аъзоси сифатида ферма бўйлаб ўтказилаётган рейд ва текширувларда қатнашаяпти. Унинг таклифи билан ем-хашак сарфиёти устидан пухта назорат ўрнатилди.

Ёш чорвадорни ферма, цех партия ташкилоти секретари, район Совети депутати Рисқи Насимова ўз оталиғига олган. Парткомнинг навбатдаги мажлисида бригадада мураббийлик ҳаракати қандай йўлга қўйилганлиги ҳақида унинг ҳисоботи тингланади.

Пискент районидаги Тельман номли колхоз партия комитети ёшларни тарбиялаш ишига катта эътибор бермоқда. Партия аъзолигига кандидатликка қабул қилинаётган йигит-қизларнинг барчаси комсомолда чиниқишган. Партия комитети партия аъзолигига кандидатлар ва ёш коммунистларнинг сиёсий билимини, меҳнат активлигини ошириш бўйича қўшимча тадбирларни кўрмоқда. Ёш коммунистлар бу йил етиштирилган пахта ҳосилини йиғиштириб олишда фаол иштирок этиб, мураббийлар билдирган катта ишончни муносиб тарзда оқладилар.

Д. НАСРИДДИНОВ.

### ТАНҚИДНИНГ ТАЪСИРИ СЕЗИЛМАЯПТИ

Партиямиз XXVII съездида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш зарурлиги алоҳида уқтирилди. Агарда шу талаблар нуқтаи назаридан шахтамиз фаолияти таҳлил қилинса кўпгина камчиликлар борлиги кўзга ташланади.

Кейинги пайтларда турли хил ҳаражатлар кўпайиб кетганлиги ва хўжасизлик авж олганлиги натижасида ҳар тонна кўмирнинг таннархи 14 тийинга қимматлашиб кетди. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ниҳоятда қониқарсиз аҳволда. Ҳозирги пайтда мўлжалдан ортиқча қабул қилинган ишчи кучларига каттагина миқдорда маош тўланмоқда.

Шахта бош экономисти Ю. Н. Маринин меҳнат ресурсларини планлаштириш ишлари билан жиддий шуғулланмаяпти. Участка раҳбарлари ҳам хўжалик ҳисобини ўз ҳолига ташлаб қўйишган. Айниқса, 1-, 4-, 5-участкаларда аҳвол ёмон. Участка раҳбарлари ҳам, цех партия ташкилоти секретарлари ҳам ресурслардан оқилона фойдаланиш, маҳсулот сифатини ошириш устида етарлича қайғурмаяптилар.

Умуман шахтамиз ҳар йили 17,5 минг кубометр ёғоч, 700 тонна металл прокати олади. Агарда шу материалларнинг атиги бир проценти иқтисод қилинса қўшимча 25 кун ишлаш ва кўплаб кўмир қазиб олиш мумкин бўлар эди. Лекин ҳозирча бундай бўлмаяпти. Участкаларда партиявий таъсир сезилмайди. 16 та бригададан 5 тасида умуман коммунистлар йўқ. 8 та бригадага партиясизлар раҳбарлик қилмоқда. Ишлаб чиқаришга партиявий таъсирнинг сустлиги учун ҳам кўпгина кадрлар топширилган иш учун масъулиятни сезмаяптилар. Планлар мунтазам бажарилмай келяпти.

Шу ўринда идеологик ва сиёсий тарбиявий ишлар ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилганлигини эслатиб ўтиш керак. Шахтада идеология активи ўқиши ташкил этилмаган. Партия қўяётган вазифалар омма онгига ва қалбига тўла етказилмаяпти. Кўпгина коллективлар беш йилликда ўз олдиларида турган вазифаларни яхши билмайдилар. Бу соҳадаги камчиликлар очиқ партия йиғилишларида кўп марта танқид қилинган бўлишига қарамай ишда сезиларли ўзгариш рўй бермаяпти.

А. РАЗЗОҚОВ,
Ангрендаги 9-шахта инженери.

## Педагоглар ҳақида ҳикоялар

### ҲАММА УЧУН БИРДЕК МЕҲРИБОН

Унинг орзуси ўқитувчи бўлиш эди. Тошкент педагогика институтини битиргач, мақсадига эришди. Бундан ўн етти йил аввал биринчи синфда дарс бошлагани ҳам кечагидай эсида. Ҳали бўёқ ҳиди кетмаган синфга турфа гулдасталарни кўтариб бирин-кетин болалар кириб келишди. Улар ўқитувчиларга хурсанд боқишар, айни пайтда сўзлашишдан тортиниб турардилар. Раънохон Расулова шунда устози, кўп йиллик тажрибага эга бўлган педагог Абдиусмон Абдуллаевнинг сўзларини эслади: «Самимият, соддадиллик, ширинсўзлик болалар қалбига йўл очишнинг биринчи калити».

— Бугундан бошлаб сизларни мен ўқитаман, исмим Раъно, — деди муаллима, ҳозир сизлар билан танишиб оламиз. У журнал бўйича болалар фамилияси ва исмини ўқир экан, ҳар бир ўқувчисига меҳрли нигоҳ билан тикилиб, уни эслаб қолишга ҳаракат қиларди. Йўқлама тугагач, опа тинчлик ҳақидаги ҳикоясини бошлади. Муаллима уруш йилларида оғир машаққат чеккан юпун кийимли, кўзлари ич-ичига чўккан болаларнинг сурати туширилган плакатлардан бир нечасини доскага илиб қўйди. Улардан бирида қизча онасининг этагига ёпишганича ўзига тўппонча ўқталаётган фашистга нафрат билан қараб турипти. Бошқа бир плакатда катта фуфайкага ўралиб олган қизалоқ бир бурда нонни икки қўллаб ушлаганича емоқда. Опа уруш заҳматларини болаларга сўзлаб берар экан, фикрларини суратлар билан тасдиқлар, воқеаларни ўқувчилар кўз ўнгида гавдалантирар эди.

Кейин муҳим плакатлар ўрнини пионер лагерларида қувнаб дам олаётган, парклардаги арғимчоқларда мириқиб учаётган, ўзи ясаган самолётини учириб қўйиб, уни гашт билан томоша қилаётган суратлар эгаллади

— Мана, тинчлик даврида биз қандай эркин яшаймиз, — деди Р. Расулова, — шунинг учун ҳам доимо тинчлик бўлсин деймиз.

Кейин у ўқувчиларга тинчлик тимсоли бўлган оппоқ кабутар расмини кўрсатди. Қуш мусаффо осмонда эркин қанот ёзиб парвоз қиларди.

Кейинги машғулотларда унинг жажжилари тинчлик ҳақида сўзлаб бердилар. Ўқитувчи билганларини уларга тушунтира олганидан ўзида йўқ қувонди.

Р. Расуловада ўқитувчилик малакаси ва маҳорати йиллар ўтган сайин ошиб борди. У ўз устида ишлашдан асло эринмади. Газета, журналларда бошланғич таълимга оид бирон-бир янгилик пайдо бўлдими, уни ўрганиб, қўллашга ҳаракат қиларди. Шунинг учун бўлса керак, у билим бераётган синф ҳақида педагогик советларда мактаб маъмурияти ҳамиша илиқ фикр билдириб келмоқда.

Жонкуяр муаллима бу йил ўқитаётган учинчи синф болалари Р. Расуловани жондилдан севадилар. Улар «опамиз бизни музейларга, театрларга олиб борадилар. Концертлар қўйишга ўргатадилар», — дея хурсанд бўлиб сўзлашди.

Зилола Муталиева, Йўлдош Тўлаганов, Зилола Ўрмонова, Баҳодир Абдураҳмонов сингари аълочи ўқувчиларнинг ота-оналари ҳам меҳрибон муаллимадан миннатдор эканликларини билдириб, Раъно Расулова мунтазам оилалар билан алоқада эканлигини таъкидладилар.

— Педагогик фаолиятимда қийинчиликлар ҳам бўлган, — дейди Р. Расулова. — Очиқ дарслар пайтида кўпинча ҳаяжонланардим. Анализга кирган устозлар, ҳамкасблар ютуқларим билан бирга нуқсонларимни ҳам тушунтириб боришди. Дарс вақтидан унумли фойдаланиш, болалар билан индивидуал ишлашда уларнинг психологиясини ҳисобга олиш, тарбиявий соатларни жонли ўтказиш борасида уларнинг ёрдами катта бўлди.

Эндиликда Чилонзор районидаги Улуғбек номли 131-ўрта мактабда Раъно Расулова ҳақида қайси ўқитувчидан сўраманг унинг малакали, ўз ишини билимдони эканлигини мамнунлик билан тилга олади.

— Муаллимамизнинг муваффақияти ҳар бир дарсга пухта ҳозирлик кўрган ҳолда, уни кўргазмали қурол билан ўтиши, изланишида, — дейди мактаб илмий бўлим мудири Назира Мамарасулова, — коллективда ишчанлиги ва камтарлиги билан эътибор топган.

Ўз касбига астойдил ихлос қўйган Р. Расулова оилада ҳам меҳрибон она, моҳир тарбиячидир. У умр йўлдоши — Тошкент Давлат университетининг ўқитувчиси Абдуғофир Расулов билан биргаликда 6 фарзандни вояга етказди. Уларнинг бири врач, бири офицер, яна бири талаба, қолганлари мактабда ўқишади.

Педагог ўзининг ҳаётидан беҳад мамнун. Р. Расулова ўқитувчилик касбини танлаганидан, бу касб унинг ҳаётига мазмун ва гўзаллик бағишлаётганидан ҳамиша фахрланади.

Х. СОТВОЛДИЕВА.

## ● Қардошлик қонуни билан

# «АЪЛО» БАҲО ОЛДИЛАР

Молдавия ССРда зилзила оқибатларини тугатишда бир ярим ой ишлаган Олмалиқдаги 8-қишлоқ ҳунар-техника билим юртининг ўқувчилари ёш бўлсаларда, етук профессионал маҳоратларини намойиш этдилар. 30 нафар ёш қурувчи Кантемир районида уй-жойлар, маданий-маиший аҳамиятдаги объектларни тиклади.

О. Салимбоев, Б. Ҳусанов, А. Бережной, Ю. Мордасов, бошқа ўқувчилар ишлаб чиқариш практикаси учун «аъло» баҳо олдилар. Улар олган назарий билимларини қардош республиканинг қурилиш майдонларида мустаҳкамладилар, монтаж ишлари, дурадгорлик ишлари ва бетон операцияларини малакали бажардилар. Улар зарбдор меҳнатлари учун район комсомол комитетининг Фахрий ёрлиқлари ва қимматли совғалар билан мукофотландилар.

Якшанба кунлари ёш олмалиқликлар Котовский номли совхоз меҳнаткашларига узум узишда ёрдам бердилар, кечқурунлари ҳаваскорлик концертларини ўтказиб турдилар, мезбонларни Ўзбекистоннинг қўшиқ ва рақслари билан таништирдилар.

(ЎзТАГ мухбири).

